



## Ислом Нури

### Савол:

Ассалому алайкум, азизлар яхшимисизлар? Ҳозирга пайтда ёш кизлар кўчага чиқиб кетишганлиги ҳаммага маълум, уларни қайтариш учун қандай йўл тутмоқ лозим, уларга қандай сўзлар билан насиҳат қилмоқ керак? Шу ҳақида ўз фикрларингизни билдирсанглар.

### Жавоб:

Ва алайкум ассалам ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

Бизнинг билишимизча ҳозирги кунда нафақат ёш кизлар, балки ёшу қари кўчага чиқиб кетган. Ёки сизнинг назарингизда катталарга чиқиш мумкину ёшларга мумкин эмасми? Ҳар ҳолда уларни кўчадан уйга хайдаб киргизиб бўлмайди. Уларга кўчага чиқишнинг зарарлари ва уйда ўтиришнинг фойдаларини баён қилиш керак.

Улар кўчага ўзларидан ўзлари чиқиб кетганлари йўқ, албатта. Уларни динларидан узоқлаштирилган, ақийдаларидан яланғочлашган, шуларнинг натижасида улар шаръий кийимларини ҳам ечишган, кўчага ҳам чиқишган, керак бўлса номусларини ҳам сотишган. Уларни уйларига қайтариш учун уларга динларини танитиш, бу кетишда оқибатлари ёмон бўлишини тушунтириш керак. Одамига қараб, ҳикмат билан даъват қилиш лозим. Ҳеч нарсадан хабари йўқ аёлга бирданига ҳижобдан гапириш керак эмас. Унга аввало ўзини, сўнгра Роббисини танитиш керак. Ана ундан кейин намозга чорлаш лозим ва ҳоказо.

Ислом аёлни қай даражада қадрлаганини баён қилиб уни арзимаган мато қилиб қўймаганини тушунтириш керак. Даъватнинг бутун



марҳалаларида ҳикматли иш олиб бориш керак. Сиз ўзингиз айтингчи, ҳижобли, уйида ўтирган аёлни мажбурлаб кўчага чиқараман десангиз у сизга бўйсунадими? Кўчага чиқадими? Йўқ, албатта. Чунки унда ақийда бор, тушунча бор. Фойда билан зарарни, ўзининг қадрини билади. Унинг ишончи комилки, “инжу” уйнинг энг тўрида ва энг ишончли жойида сақланади, кўчаларга, ахлатхоналарга ташлаб қўйилмайди. Кўчадагиларни қайтариш учун юқорида айтганларимизга қўшимча, саҳифамизда қўйилган ва ундан бошқа ибратли хикояларни айтиш керак. Валлоҳу аълам.